

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ  
“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА**

**Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И**

**5340200 “Бинолар ва иншоотлар қурилиши”  
таълим йўналиши IV-курс талабаси**

**Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, “Хазрати-Имом” мажмуаси  
таркибида қуриладиган меҳмонхона биносини лойиҳалаш ва  
ҳисоблаш**

Битирувчи 13-14 БИҚ гуруҳ талабаси: \_\_\_\_\_ Содиқов А. И

Тушунтириш хати \_\_\_\_\_ бет, чизма \_\_\_\_\_ варақ

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_ доц. Юсуфходжаев С. А

Диплом лойиҳаси раҳбари: \_\_\_\_\_ доц. Юсуфходжаев С. А

Маслаҳатчилар: ТАҚИ

ТАҚИ \_\_\_\_\_ Мирбабаева Д. Х

Меҳнат муҳофазаси \_\_\_\_\_ Мухаммағалиев Б

**Тошкент-2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ  
“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА  
Т О П Ш И Р И Қ**

---

(талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

1. Малакавий битирув ишининг мавзуси

---

---

---

---

---

Институт бўйича 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сон буйрук  
билан тасдиқланган.

2. Малакавий битирув ишини бажариш учун  
маълумотлар \_\_\_\_\_

---

---

---

---

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар :

а) Архитектура – қурилиш қисми бўйича

---

---

---

---

б) Конструктив қисм бўйича

---

---

---

---

в) Меҳнат муҳофазаси қисмлари  
бўйича \_\_\_\_\_

---

---

---

---

4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:

а) Архитектура-қурилиш

чизмалари: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

б) Конструктив чизмалар:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

5. Диплом лойиҳаси қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошлан- иш муддати	Тугалла- ниш муддати	Имзо	Маслаҳатчилар- нинг Ф.И.Ш.
1	Архитектура қурилиш қисми				
2	Ҳисоблаш қисми				
3	Меҳнат муҳофазаси				

6. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_

7. Тугалланган малаквий битирув ишини топшириш санаси \_\_\_\_\_

Малаквий битирув иши раҳбари \_\_\_\_\_ (имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди \_\_\_\_\_ (имзо)

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ (имзо)

# МУНДАРИЖА

## МУНДАРИЖА

1. Малакавий битирув иши бўйича топшириқ.....	2
2. Мундарижа.....	4
3. Кириш.....	6
4. Архитектуравий қурилиш қисми.....	18
5. Қурилиш туманининг таснифлари.....	19
6. Ҳажмий-тархий ечимлар.....	21
7. Хоналар қайдномаси.....	24
8. Техник иқтисодий кўрсаткичлар.....	24
9. Конструктив ечимлар.....	25
10. Пойдеворлар.....	25
11. Деворлар.....	27
12. Пардадеворлар.....	28
13. Зиналар.....	30
14. Монолит темир-бетон рамалар.....	32
15. Қаватлараро ёпмалар.....	33
16. Поллар.....	35
17. Поллар қайдномаси.....	37
18. Томлар ва том қопламалари.....	39
19. Эшиклар ва деразалар.....	41
20. Ташқи ва ички пардозлаш .....	43
21. Ҳисоблаш қисми .....	45
22. Меҳнат ҳавсизлиги.....	65
23. Фойдаланилган адабиётлар.....	75

# КІРИШ

## К И Р И Ш

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот инсон манфаатлари” йили давлат дастурида мақсад вазифалар ўз ифодасини топди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Республикамизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замоनावий шаҳарсозлик намуналари, кўпдан кўп янги турдаги бир қаватли ва кўп қаватли турар жой бинолари, саноат корхоналари, кўприклар ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундай эзгу ишларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан замон талабларига риоя қилган ҳолда изчиллик билан тизимли равишда давом эттирилмоқда. Бугунги кунда қурилиш жаҳон иқтисодиётининг жадал суратларда ривожланаётган соҳаларидан бирига айланмоқда. Бино ва иншоотларни лойихалаштиришда анъанавий меъморий ечимлар қўлланилиб, бунёдкорликка бўлган ёндашув ҳам тубдан ўзгарябди.

2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида

---

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилсин. Фақат 2009-2016 йиллар даврида қишлоқ жойларда 1308 турар жой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Қўрилган чора-тадбирлар оилаларни замоनावий, сифатли, шинам уй-жой билан таъминлашга, қишлоқда янги муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашди, қишлоқнинг қиёфасини янги даражага кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгартириш имконини берди. Шу билан бирга, ушбу соҳани ўрганиш аҳолининг реал эҳтиёжлари ва харид қобилиятини, шунингдек миллий менталитетни ва қишлоқ жойларда яшаш шароитларининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиб қурилиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган принципал жиҳатдан янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замоनावий ва шинам уй-жой

билан таъминлаш даражасини тубдан ошириш мақсадида: Қуйидагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: яшаш учун ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам, арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш; қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун ажратилган турар жой массивларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ва транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш; конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш ҳисобига лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек барпо этилаётган уйлар таннархини пасайтириш; энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишни кенгайтириш; жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириш, пудрат ташкилотларининг қувватларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш; қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши учун имтиёзли кредитлар беришнинг фуқаролар учун янада қулай шартларини жорий этиш.

Қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда арзон уйларнинг қуйидаги янги намуналарини (кейинги ўринларда уйлар деб аталади) жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин: хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар; аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар; ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

Белгилансинки, уй-жойларнинг янги намуналарини қуриш учун "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ипотека банк" АТИБ, "Халқ банки" АТБ, "Асака банк" АТБ ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб аталади) уй қурувчиларга 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта

молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга ипотека кредитлари берадилар, бунда уй қурувчиларнинг дастлабки бадали қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

15 фоиз – икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун;  
25 фоиз – икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2017 йилда намунавий лойиҳаларнинг аниқ турлари бўйича қишлоқ жойларда умумий молиялаштириш ҳажмлари 2 121,5 миллиард сўм бўлган 15,0 мингта арзон, замонавий, шинам уй-жойлар, шу жумладан биринчи тури бўйича – 4 608 та, иккинчи тури бўйича – 3 739 та, учинчи тури бўйича – 3 672 та, қуришнинг йиғма ва асосий параметрлари 1-5-иловаларга мувофиқ; 2017 йилда турар жой массивлари учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича йиғма кўрсаткичлар 6-иловага мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ҳокимларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, иштирок этувчи тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар раҳбарларига:

маъқулланган Дастур параметрларига мувофиқ уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтиришга, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришга, пудрат ташкилотларининг салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган чоратадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича иштирок этувчи тижорат банкларининг маржаси йилига 4 фоиз миқдорида бўлишини

ҳисобга олган ҳолда йилига 3 фоизли ставка бўйича 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига оловчи 15 йил муддатга миллий валютада кредит линиялари очсин, бунда кредит линияси маблағларини Дастур доирасида уйлар қуришга мақсадли йўналтирсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитларини жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, иштирок этувчи тижорат банклари ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти билан биргаликда қишлоқ аҳолисининг уй-жойларнинг ҳар бир намунасига бўлган талабини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, 2017 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига кейинги йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш параметрлари юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2018-2021 йилларда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини молиялаштириш миқдорлари ва манбаларини белгиласин, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматларнинг молиялаштирувчи ташкилотларининг кредит маблағларини жалб этишни назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари келгуси йилга Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида ҳар йили белгиланган тартибда: 1 майгача – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда, кейинчалик уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қуриш учун "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга бериладиган, қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган, ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланадиган массивлар рўйхати тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

1 сентябргача – иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда талабгорлар аниқланишини ва уйлар қуриш учун уларнинг дастлабки бадаллари шакллантирилишини;

1 октябргача – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини;

1 ноябргача – "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, Республика йўл жамғармаси ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан биргаликда янгидан қуриладиган қишлоқ турар жой массивларида муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш учун Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини таъминласинлар.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида турар жой массивларида сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Белгилансинки, турар жой массивларида сув, электр, газ таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш тегишли равишда республика бюджети, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК ва Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тавсиялари асосида, ариза берувчи – уй қурувчининг Дастурдаги иштироки тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида 2022 йил 1 январгача:

пудрат ташкилотлари – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуриш

бўйича ишлар ҳажмлари учун – солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан; субпудрат ташкилотлари – массивларда уйлар, сув таъминоти объектлари ва автомобиль йўллари қуришга "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотлари билан тузилган контрактлар бўйича улар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмлари учун – ягона солиқ тўлови тўлашдан; қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек уларни ташийдиган ташкилотлар – фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уйлар қуриш учун "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан шартномалар тузган бош пудрат ташкилотларига қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни реализация қилиш ва уларни ташиш (жумладан импорт материалларни) ҳажмлари учун қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ – солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

"Қишлоқ қурилиш лойиҳа" МЧЖ – "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ билан тузилган шартномалар бўйича уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қуриш бўйича бажарилган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмлари учун – қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

"Ўзсаноатэкспорт" АЖ – 7-иловага мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари, томга ёпиладиган металл листлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно), шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бошқа қурилиш материаллари учун, улар "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга сотилганда – қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

"Тошкент қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ ва транспорт корхоналари – металл листларни қайта ишлаш ва уларни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга етказиб бериш бўйича ишлар ҳажмлари учун – қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ тўлови ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларидан тўғри фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Бугунгидай жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатимизда барча сохалар сингари қурилиш ва илм-фанга алоҳида эътибор қаратилинаётганлиги юксак эътирофга сазовардир. Мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан биз ёшларга берилаётган каттадан-катта имкониятлар, ҳар қайси соҳада юксак марраларга эришишимизда муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 8 октябрдаги Ф-4724-сон фармойиши билан ташкил қилинган Ишчи гуруҳ томонидан олий таълим тизимидаги ҳолатни ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг моддий-техника базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди., Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи

томонидан 2017 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5121-сон [Фармони](#) ва «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 515-сон [қарори](#) қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда иқтидорли ёш педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларида илмий-педагог ходимларнинг малака ошириши ва қайта тайёргарликдан ўтишини, олий таълим муассасалари битирувчиларининг PhD дастури ва уларнинг магистратурада ўқишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган таклифлар киритиш топширилмоқда.

Олий таълим тизимини 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар тураржойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, мамлакатимизнинг изчил ривожланиб бораётган иқтисодиётини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, барча ҳудудлар ва тармоқларни стратегик жиҳатдан комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш борасида олий таълим тизими иштирокини кенгайтириш йўлидаги яна бир муҳим амалий қадамдир. Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинадиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 10,3 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2017 йилда 1430 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. 2018 йилда еса қурилишга жуда катта инвеститетлар киритилди.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида 2018 йилнинг биринчи чорагида Тошкент шаҳрида тўқимачилик корхонаси, оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонаси, Олмазор туманида қурилиш қуми ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зангиота туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонаси фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма ҳалқа йўлини барпо этиш, кўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва

кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

— Пойтахтимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим, — деди Ислон Каримов. — Бундай марказ, авваламбор, аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилади. Шаҳарда каштан, эман, япон софораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан. Бундай кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартиришда, уларнинг янги-янги марралар сари интилиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омили мустақилликнинг биринчи кунларидан “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун” деган қонидани асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланаётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққиёт йўли — “ўзбек модели”ни тадрижий амалга ошираётганимиздир.

# АРХИТЕКТУРАВИЙ- ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

Маслаҳатчи \_\_\_\_\_ Мирбабаева Д.Х

## АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ҚИСМИ ҚУРИЛИШ ТУМАНИНИНГ ТАСНИФЛАРИ

Қурилиш худуди – Тошкент шаҳри, Олмазор тумани

Иқлими - кескин континентал.

Грунтлар – агрессив эмас.

Грунтнинг музлаш чуқурлиги - 0,7м.

Ер ости сувлари ернинг юзасидан 1,9-3,2 м. чуқурликда жойлашган.

Майдоннинг зилзилабардошлиги - 9 балл.

Қурилиш майдони шароитлари: лёссимон грунт, 1-қатлам сочилувчан грунт, қуввати 3,0 м. гача, сочилувчан грунтларни зичлаш тавсия этилмайди. 2-қатлам суглинка лёсли соғ тупроқ, макропористие қуввати 8,0 м. гача.

Қор қатлами - 50 кг/м<sup>2</sup>

Шамол босим тезлиги - 39 кг/м<sup>2</sup>.

Грунтлар – ўта чўкмайдиган (не просадочные).

Грунтнинг юк кўтариш қобиляти -  $R = 0,2 \text{ кг/см}^2$ ,

Чўкувчанлик шароити бўйича грунтнинг тури – I I категория

Физик-механик хоссаларининг курсаткичлари - зичлик

$$\gamma = 1,41-1,56 \text{ т/м}^3;$$

Сочилувчан грунтларнинг солиштирма оғирлиги -  $\gamma = 1,85 \text{ т/м}^3$ ;

Соғ тупроқларнинг (суглинок) солиштирма оғирлиги -  $\gamma = 1,77 \text{ т/м}^3$ ;

Ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi=26^{\circ}071'$ ; Грунтнинг юк кўтариш қобиляти  $c = 10,0 \text{ КПа}$ .

Ўта чўкувчанлик шароити бўйича грунт тури – чўкмайдиган (не просадочные).

Ўта чўкувчанлик қалинлигининг қуввати – 5,0 м. гача.

Бошланғич ўта чўкиш босими - 0,20 МПа.

Ишончилилик коэффициенти  $\gamma = 0,95$ ;

Бинонинг оловга бардошлилик даражаси – II.

Нисбий отметка 0,000 мавжуд бинонинг 1-қават полидан кабул килинган.

Ҳавонинг энг совуқ ойдаги ўртача намлиги - 55 %.

Ҳавонинг энг илиқ ойдаги ўртача намлиги - 22 %.

Январ ойидаги румб бўйича шамолнинг ўртача максимал тезлиги - 2,1 м / с.

Июл ойи учун эса шамолнинг ўртача максимал тезлиги -1,4 м / с.

Қиш вақтида ишарни бажариш учун ҚМҚ 3.03.01-98 талабларига риоя қилиш керак.

« *Меҳмонхона биноси* » қуйидаги меъёрий ҳужжатлар кўрсатмаларига биноан лойиҳаланган.

1. КМК2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”.
2. КМК 2.01.07-96 «Юқлар ва таъсирлар».
3. ШНК 2.08.01-05 “Турар – жой бинолари”

### **ҲАЖМИЙ - ТАРХИЙ ЕЧИМЛАР**

Тақомиллашган “ 4 қаватли *Меҳмонхона* ” биноси Тошкент шаҳар жойлашган бўлиб, 4 қаватдан иборат, енгил автомобиллар учун шаҳобча (автостоянка) ва муҳандислик таъминотларидан иборат.

1 қаватда қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд. Қолган қаватлар эса ётоқхоналардан иборатдир.

Шартли белги (отметка) сифатида 1-қават тоза полининг сатҳи 0,000 қабул қилинган ва бу белги абсолют белги – 28,00 га мос келади.

Ҳажмий-тархий ечимлар асосида иморатнинг ўлчамлари ва шакли

қабул қилинади. Тошкент шаҳри Олимазор туманидаги « *Меҳмонхона биноси* » нинг тархдаги ўлчамлари 1-16 ўқлари бўйича 76,0м., А/1 ўқи бўйича 4.8м, А, Б, В, Г, Д ўқлари бўйича 19,7 м., ни ва умумий баландлиги -17,600 м.ни ташкил этади. Ертўла баландлиги -3,0м., 1-қават баландлиги – 4,2 м, 2-4-қаватлар баландлиги -3,3 м. дан иборат. «*Меҳмонхона биноси*» нинг конструктив схемаси монолит темир-бетонли бикр рама тугунли фазовий каркастан иборат.

Тошкент шаҳри Олимазор туманидаги « *Меҳмонхона биноси* » конструктив ечимларига, материалларига ва бинони пардозлашга қўйиладиган талаблар:

-бинонинг интерьерлари ва ташқи пардозини ечишда, бинонинг узок хизмат қилишини, ёнғинга ва санитария талабларига жавоб берувчи замонавий пардозлаш материаллари ва ашёларини ишлатиш керак.

Лойиҳаланаётган Тошкент шаҳри Олимазор туманидаги «*Меҳмонхона биноти*» нинг юк кўтарувчи негизи монолит темир-бетонли бикр рама тугунли фазовий каркас схама бўйича лойиҳаланган. Том қопламаси конструкциялари металл фермалардан иборат.

**Темир бетон конструкциялари бўлими (КЖ).** Бу бўлим лойиҳалашга берилган топшириқ асосида лойиҳаланган. Бу бўлимда лойиҳалашга берилган топшириқга асосан бино қурилишининг ишчи чизмалари лойиҳалари ишлаб чиқилган. Лойиҳаланаётган бино – ертўла қавати билан биргаликда 5 қаватли, бўлиб, деформация чоклари билан бўлинган. Бинони юк кўтарувчи негизи яъни устунлар, ригеллар монолит темир-бетонлардан лойиҳаланган. Бино пойдеворлари юк кўтарувчи ғиштли деворлар тагида В20 (М250) синфли портландцементда тайёрланган ўзаро кесишган монолит темир-бетон лентасимон, устунлар остида эса, устунсимон қилиб лойиҳаланган. Ригеллар монолит темир-бетонлардан тайёрланган бўлиб, кесимлари тўғри тўртбурчак шаклида 400x520 мм., тавр кесимли 600x520 мм., ярим тавр шаклида 500x520 мм. қилиб, В25 классдаги бетонлардан тайёрланади. Қаватлараро ёпмалар 1.141.1ё-28с,40с. серияси бўйича ғовакли йиғма темир бетон плиталардан, зиналар 1.050.1-1с серияси бўйича йиғма темир бетонлардан, сарбасталар, бикрлик диафрагмалари, боғловчи тўсинлар (обвязочные балки) ҳам, қурилиш майдонида темир-бетонлардан монолит усулда ўрнатилади.

Металл конструкциялари (КМ) бўлими. Металл конструкциялари КМК3.03.02-98 “Металл конструкциялари, ишлаб чиқариш қондаси”, КМК3.04.02-97 Коррозиядан ҳимоялаш. Ишлаб чиқариш ва қабул қилиш қондаси” га биноан тайёрланади. Металл конструкциялари элементлари бўйича ҳамма ишларни меъёрий ҳужжатлар талабларига биноан бажарилган.

1. Пайвандланган бирикмали конструкцияларда А-III, маркаси 25Г2с бўлган арматура пўлати қабул қилинган.

2. Пайвандли бирикмаларни қабул қилинмайдиган конструкцияларда А-III, 35ГС арматура пўлатлари ишлатилган.

Металл конструкцияларининг коррозияга қарши ҳимояланиши КМК2.03.11-96 «Иншоотларни ва қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш» қондаларига мувофиқ бажарилади.

Ҳамма металл конструкциялари бир-бири билан пайвадли боғланган.

Ферма белбоғларидаги бурчакли чокларни флюслар остида автоматик равишда пайвандланади. Пайвандлаш материаллари ҚМҚ 2.03.05-97, 55-жадвал бўйича қабул қилинган. Металл конструкциялари элементларини бирлаштиришда қўлда қилинадиган монтаж пайвандлаш ишларини С345 пўлатидан Э42А электродларида ишлаб чиқилади. Бурчак чокларининг ҳамма минимал ўлчамлари КМК2.03.05-97 “Пўлат конструкциялари. Лойиҳалаш асослари”

**1-жадвал**

## Хоналарнинг экспликацияси

Хоналар номи	Хоналарнинг номланиши	сони	майdonи м²
1- кават			
1	Ветивюль	1	148,6
2	Бар	1	6,66
3	Рўйхатга олиш хонаси	1	8,22
4	Ходимлар хонаси	1	46,86
5	Ёрдамчи хона	2	16,39
6	Ресторан	2	148,24
7	Холл	1	14,76
8	Дахлиз	1	130,95
9	Кўриклаш хонаси	2	59,44
10	Омборхона	1	20,75
11	Ошхона	1	43
12	Идишларни ювиш хонаси	1	13,5
13	Музлатгич хонаси	1	13,5
14	Кийим тахтлаш хонаси	2	8,625
15	Зина хонаси	2	15,21
16	Хожатхона	6	8,64
17	Кийим алмаштириш хонаси	2	8,66
18	Тиббий хона	1	25,66
19	Махлислар зали	1	180,88
20	Спорт зали	1	87,78
21	Тамбур	2	27,26
22	Магазин	1	71,94
Хос кават			
1	Ёрғ хона	1	20,16
2	Тозалик сакловчи ходимлар хонаси	1	12,416
3	Балкон	19	3,875
4	2 кишилик ётакхона	32	17
5	Хожатхона ва ювиниш хонаси	42	4,08
6	Дахлиз	1	130
7	Холл	1	57,8
8	Зина хонаси	2	21,168
9	1 кишилик люкс ётакхона	7	28,175

## КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР

### ПОЙДЕВОРЛАР

Пойдеворлар - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади.

Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.

Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантини техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиними керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан тутшиб турувчи остки сирт (остки текислик). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлалли) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади.

Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айти бир пайтда пойдевор заминидаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади.

Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз хажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойихасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдорига, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчидиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгайди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

Саноат биноларининг устунлари остига қўйиладиган пойдеворларига сарф бўладиган бетон, умумий сарфланадиган бетоннинг 20 - 35 % ини ташкил қилади, уларни яратиш нархи эса тўлиқ бинога кетадиган қийматнинг 5 - 20 % и ни ташкил этади.

Лойиҳаланаётган бинонинг пойдеворлари юк кўтарувчи ғиштли деворлар тагида В20 (М250)синфли портландцементда тайёрланган ўзаро кесишувчан монолит темир-бетон лентасимон, устунлар остида эса, устунсимон қилиб лойиҳаланган. бўлиб, тагини (подошва) баландлиги 400 мм. дан иборат. Пойдевор Ø12А- III, Ø 8А- I, С1, С2,....., С16 (РСТУз865-98)тўрлари билан ўзакланади ва В20 синфли бетондан тайёрланади.

Бетонлашда қўл билан вибратор ёрдамида узлуксиз равишда бетонни зичлаш керак. Пойдеворларни грунтларга ўрнатишдан аввал қуйидаги тайёргарлик чораларини кўриш зарур. Котлован қазиб, ўсимлик қатлами, ҳамда сочилувчан грунт қатламини олиб, қурилиш майдончасидан ташқарига олиб бориб ташлаш керак. Бино периметри бўйича асфальт бетон отместка шағал асосга кенглиги 1,5 м. қалинлиги,  $t = 100\text{мм}$ . қилиб лойиҳаланган.

## Д Е В О Р Л А Р

Девор конструкцияларини танлаш, биноларни лойиҳалашда энг асосий масалалардан биридир, чунки деворларнинг қиймати, бутун бино қийматининг муҳим қисмини ташкил этади. Бинонинг мустаҳкамлиги ва устиворлиги: юклар турига, материаллар сифатига, деворларнинг бошқа конструкциялар билан боғланиш системасига, бинонинг яратилиш ва эксплуатация қилиш шарт – шароитларига боғлиқ. Тошкент шаҳридаги « 4 қаватли *Меҳмонхона биноси* » нинг тўсиб турувчи конструкциялари сифатида ғиштли деворлар ишлатилади.

Ғиштли деворлар қалинлиги 380 мм. бўлиб, М75 маркали ғиштдан М50 қоришмада тайёрланади. Ғиштин теримлар сеткалар билан

арматураланган бўлиб, қадами 675 мм. ни ташкил қилади. Ғиштин теримлар штукатуркалар билан сувоқ қилинади, ҳамда фасадда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялади. Фасадни бўяш ишлари фақатгина декоратив мақсадларда эмас, балки бинонинг узоқ муддатлилигини ҳам оширади, чунки ташқи ҳаво муҳити агрессив бўлганда, бўёқнинг плёнкаси девор сиртини ташқи муҳит таъсирларидан сақлайди. Пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик районлардаги каби олинади. Юк кўтарувчи конструкциялар остида яхлит (сплошной) моноклит пойдевор ишлаштиш мақсадга мувофиқдир. Лойиҳаланаётган бинонинг ертўла деворлари қалинлиги 250 мм, маркаси 200 бўлган бетонлардан тикланади; темир-бетон деворларнинг четларидан чиқиб турган арматуралар уларни вертикал ва горизонтал чоклар бўйича кўшни элементларга мустаҳкам боғлаш имконини беради. Пряжка ва ертўлага тушиш деворлари штукатурка қилиниб, тарз бўёқлари билан бўялади. Ошхона хоналари бўйича керамик плиткаларни қоплаш керак.

## ПАРДА ДЕВОРЛАР

Пардадеворлар ички вертикал тўсиб турувчи конструкция ҳисобланиб, бир хонани иккинчи хонадан ажратиб туради. Пардадеворлар ўз оғирлигини ёпмаларга ёки грунтга қурилган пол заминига узатади.

Пардадеворлар кўп фойдали юзани банд қилмаслиги учун юпқа, енгил, юзаси силлиқ, кирланганда осон тозаланиши, етарли даражада пишиқ, турғун ва ўтга чидамли бўлиши керак.

Пардадеворлар ички девор гуруҳлари таркибига кириб кўндаланг ва бўйлама йўналишда жойланиши мумкин.

Меъёрий ҳужжатларга асосан квартиралараро пардадеворларнинг товуш ўтказмаслик хусусияти 0дБ га тенг хоналар орасида 9 дБ бўлиши керак (дБ – товуш босимининг ўлчов бирлиги) инсоннинг товуш босими тўлқинларини қабул қилиш қобилияти 0билан 120 дБ оралиғида ётади.

Парда деворнинг массаси ошган сари товуш ўтказмаслик хусусияти ҳам ортиб боради.

Товуш энергияси зичликлари хар ҳил бўлган кўп қатламли пардадеворлардан ўтганда ўз кучини йўқотади. Агар қатламлар орасида бўшлиқ кўзда тутилса бундай девор товуш ўтказмайди.

Бинонинг турига қараб пардадеворлар ўтга чидамли ёки ёнмайдиган бўлиши керак.

Материалига қараб пардадеворлар асосан уч хил гипс-бетон панелли майда тош (ғишт, майда блок)лардан ва кам қаватли уйларда ёғоч материаллардан тайёрланади.

Оммавий турар жой бинолари қурилишида индустриал гипс-бетон плиталари ишлатилади. Бундай плиталарнинг ўлчами хона ўлчамига тенг қилиб тайёрланади.

Курилиш усулига кўра парда деворлар майда-йиғма, йирик-йиғма ва комбинациялашган турларга бўлинади.

Вазифаси бўйича стационар ёки қўзғалмас ва қўзғалувчи бўлади.

Парда деворларнинг ораёпмалар, юк кўтарувчи деворлар билан туташуш усуллари ҳилма-ҳил мосламалар ёрдамида амалга оширилади.

Ушбу лойиҳаланаётган бинода ғиштли ва гисокартон пардадеворлар ишлатилган.

Бинода ишлатилган ҳамма пардеворларнинг қалинлиги 120 мм., га тенг. Пардеворлар қуриш олдидан қуйидаги ишлар бажарилади:

-пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;

-пардевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади;

-андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатилади.

Пардадеворлар ўрнатилгандан кейин ҳамма чокларини шпаклевка қилиш керак ва ҳамма ёғоч элементларни антипирен билан тўйдириш лозим.

Лойиҳаланаётган бино ғиштли қалинлиги 120мм. ва гипс картонли пардадеворлардан иборат.

### **Гисокартон пардадеворларини ўрнатиш.**

Гисокартон парда деворларни қалинлигини  $t = 100\text{мм.}$  қилиб, намга чидамли – 12 мм.ли гисокартонлардан алюминийли профиллар бўйича полиэтилен упаковкали минералвата плиталарини тўлдириб тайёрланади, М125 қалинлиги 100мм, РСТУз бўйича 9573-96. Ўрнатилгандан кейин чокларни шпаклевка қилинади ва бўялади.

## **З И Н А Л А Р**

**Зиналар** қаватлар орасидаги алоқани амалга оширишга хизмат қилувчи асосий юк кўтарувчи конструкциялардир, бундан ташқари зиналар табиий офат, ёнғин ва авария вақтида кишиларни бинодан тез эвакуация қилиш хизматини бажариши керак.

Зиналар вазифасига қараб қуйидаги ҳилларга бўлинади:

- асосий ва ёрдамчи зиналар, қаватлар орасида кишиларнинг кундалик оммовий қатнови ва бинодан ташқарига чиқиш учун хизмат қиладиган зиналар.

- ёрдамчи зиналарга - ўт ўчиришда, авария вақтида фойдаланиладиган, чордоққа чиқиш ва ертўлага тушиш учун хизмат қиладиган зиналар қиради.

Зиналар қия жойлашган маршлар, горизонтал супачалар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тутқичлардан иборатдир.

Зина деворлари етарли даражада ўтга чидамли бўлган махсус хоналарда зина катакларида қурилади. Бинодаги зиналарнинг сони, жойлашиши, ўлчамлари, қабул қилинган бинонинг архитектура-тархий ечимига, қаватлар сонига, одамлар ҳаракати оқимининг шиддатига (интенсивлигига) бевосита боғлиқдир.

Зиналар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак: мустаҳкамлик, ҳаракат ҳавсизлиги, ёнғиндан ҳавсизлик, ҳаракат вақтида толиқмаслик, гигиена, иқтисодий ва ҳ.к. Қаватлараро зиналардаги маршларнинг сонига кўра 1,2,3,4 маршли зиналар бўлади.

Зиналар материалига кўра: ёғоч, пўлат, темир-бетон, йиғмалик даражасига кўра: яхлит, йиғма, йиғма блокли бўлади.

Асосий зинапояларнинг баландлиги билан энининг ўлчамлари 1:2 да қабул қилинган, яъни 150 мм : 300 мм. Зина маршининг қиялик бурчаги  $\alpha = 27^\circ$  ни ташкил қилади.

Зина маршининг қиялиги унинг эни унинг бинодаги ўрни ва бажарадиган вазифасига боғлиқ одатда горизонтал текисликда ўртача инсон қадамининг узунлиги 500-600 мм ташкил этади. Зинадан кўтарилиш қулай бўлиш учун зинапоя ўлчамлари қадам узунлигига тенглаштирилган яъни, зинапоя баландлиги (В) ва энининг (Э) ўлчамлари  $\text{Э} = 2\text{В} = 300 \times 2 = 600$  ммни ташкил қилади.

Асосий зиналарнинг бир маршидаги зинапоялар сони 18дан ортиқ ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

Маршлар орасида энг камида эни 100 мм га тенг бўшлиқ қолдирилиши керак (ёнғинни ўчириш шлангаларини ўтказиш учун).

Конструктив ечимига кўра капитал қурилишда зиналар 2 та асосий ечим асосида индустриал усулда тайёрланмоқда.

- йирик бир қават учун ҳар бирининг оғирлиги 101,5 тонна бўлган 5та элементдан иборат, яъни 3 та супача ва 2 та марш.

